# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№95 (648)
2022 йил 29 ноябрь, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги Россия парламент делегациясини қабул қилди.

Учрашув аввалида Вячеслав Володин давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда парламентлараро мулоқотлар жадал суръат касб этгани, Ўзбекистон ва Россия ҳудудларида янги форматдаги – икки мамлакат парламентларининг палата ва қўмиталари раҳбарлари даражасида учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий қилингани алоҳида қайд этилди.

Янги ташкил этилган Ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия фаолияти икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда қонунчилик фаолиятини ташкил этиш соҳасида тажриба алмашишни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий натижалари мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилнинг бошидан буён икки томонлама товар айирбошлаш учдан бирга ошди.

Россия инвестицияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, қишлоқ хўжалиги тармоқларида қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ишбилармонлик алоқалари изчил кенгайиб бормоқда.

Маданий-гуманитар йўналишда, энг аввало, олий ва ўрта таълим ҳамда туризм соҳаларида самарали ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Россия делегацияси аъзолари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёшлар тарбияси, соғлиқни сақлаш салоҳиятини ошириш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини модернизация қилиш борасида рўй берган ўзгаришларни юксак баҳолади.

**ЎзА**

## ТЕЗЮРАР ПОЕЗД НУКУСГАЧА БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда транспорт тармоқлари изчил ривожлантириб келинмоқда. Хусусан, 2018 йилда Бухоро – Мискин темир йўли қурилиб, Хивагача масофа 242 километрга қисқарган эди. Шу билан бирга, электр поездининг унумдорлиги 4,5 баробар юқорилигини инобатга олиб, мавжуд темир йўллар электрлаштирилмоқда. Сўнгги йилларда Қарши – Китоб, Поп – Наманган – Андижон ҳамда Қарши – Термиз йўналишлари электрлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари хоразмликлар билан учрашганида 2024 йилда Хивага тезюрар электр поезди йўлга қўйилишини айтган эди ва бу режа Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилди. Шу тариқа, Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш бошланди.

Тақдимотда бу ишларнинг бориши ва кутилаётган натижалар ҳақида ахборот берилди.

Мазкур лойиҳанинг қиймати 445 миллион доллар. Шундан 270 миллион доллари Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкидан жалб этилади. Лойиҳа доирасида Бухородан Хивагача бўлган 465 километр темир йўл тармоғи электрлаштирилади, бекат, нимстанциялар ва бошқа иншоотлар қурилади.

Йўлнинг самарадорлиги, шунга яраша, анча ошади. Масалан, поездларнинг юқори тезлиги соатига 250 километргача бўлади. Натижада йўловчиларнинг Тошкентдан Урганчгача етиб бориш вақти 14 соатдан 6 соатга, Бухородан Хивагача 8 соатдан 3 соатгача қисқаради. Бу халқимизга катта қулайлик яратиб, туризм ривожида ҳам муҳим омил бўлади.

Тезлик эвазига темир йўлнинг ўтказувчанлиги ҳам ошади. Юк ташиш имконияти йилига 11 миллион тоннагача, йўловчилар сони 2 миллион 300 минг нафарга етади. Поездлар электр энергиясида юриши ҳисобига йилига 18 минг тонна дизел ёқилғиси тежалади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг сифатли бўлишига алоҳида аҳамият қаратди.

– Аввалги лойиҳаларда мутахассисларимиз анча тажриба орттирди, чет эллик консультантлар ҳам жалб этилди. Энди асосийси – ишни сифатли бажариш. Бу йўлни қанча яхши қилсак, халқимизга шароит, туристлар учун қулайлик, иқтисодиётимизга манфаат бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимларига тезюрар поезд ўтадиган туман ва шаҳарларда йўл бўйи хизматларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

– Темир йўл борган жойга маданият боради, ҳаёт жонланади. Шундай экан, бекатлар атрофида, худди автомобиль йўлларида бўлганидек, савдо ва хизмат шохобчаларини кўпайтириш керак. Яна бир вазифа – темир йўл бўйлаб чўл иқлимига мос дарахт ва буталар экиш зарур. Бу ҳам ҳудуд экологиясига таъсир қилади, ҳам йўл бўйларига кўрк бағишлайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз мутасаддиларга ҳозирги лойиҳага ҳамоҳанг тарзда, Нукус шаҳригача бўлган темир йўлни ҳам электрлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бунинг натижасида Тошкент билан Нукус ўртасидаги қатнов вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради.

Тадбирда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, давлат ташкилотлари биноларида қуёш панеллари ўрнатиш, аҳолини бу борада рағбатлантириш масалалари бўйича ҳам топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



**Қурилиш вазирлигида ISO 37001:2016 халқаро стандартига (Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими) мувофиқлик сертификатини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда “CERT International” МЧЖ директори ўринбосари Ш.Сиддиқов, вазирлик марказий аппарати ҳамда тизим ташкилотлари ходимлари иштирок этишди.**



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Қурилиш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилган.

Шунингдек, Қурилиш вазирлиги тизимида Коррупцияга қарши кураш агентлиги билан ҳамкорликда “Комлаенс-назорат” тизимини жорий этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Қурилиш вазирлигида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш юзасидан ISO 37001:2016 сертификатини олиш учун “CERT International” МЧЖ билан шартнома расмийлаштирилган. МЧЖ томонидан вазирлик тизимида биринчи босқичдаги аудит ўтказилиб, аудиторлар хулосасига кўра аниқланган номувофиқликлар ва тавсиялар бўйича бартараф қилиш назорат режаси ишлаб чиқилди.

“Ички аудит ва комплаенс назорат бўлими” ҳамда вазирлик бошқарма ва бўлимлари томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари натижасида номувофиқликлар бартараф этилди. Шунингдек, вазирлик марказий аппаратининг 14 нафар ходими халқаро ISO 37001-2016 коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими менежери-ички аудитори йўналишида “CERT academy” халқаро тренинг компанияси томонидан беш кунлик ўқув курсларида ўқитилиб, сертификатлар тақдим этилган.

Жорий йилнинг октябрь ойида “CERT International” МЧЖ аудиторлари томонидан сертификатни олиш бўйича иккинчи босқичдаги аудит ўтказилди. Аудит якунлари бўйича аудиторлар гуруҳи томонидан Қурилиш вазирлиги ISO 37001:2016 халқаро стандартига мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса берилган.

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш вазирлигига 2022 йил январь-октябрь ойлари давомида келиб тушган жами мурожаатлар сони 13 165 тани ташкил этган. Мурожаатларда қайд этилаётган асосий муаммолар сифатида низоли ер масалалари, ўзбошимчалик билан ер майдонини эгаллаб олиниши, ноқонуний қурилмалар, қурилишдан норозилик, бинолар орасидаги масофалар ШНК талабларига жавоб бермаслиги, белгиланган муддатда қурилиш тугалланмаганлиги, шартнома шартлари вақтида бажарилмагани кабиларни айтиш мумкин.**

Хусусан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта хирмонтепа 25-мавзе, 6-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Б. Муҳаммадовнинг замонавий маҳалла ва маиший савдо комплексининг лойиҳа ҳужжатлари бўйича Президент виртуал қабулхонасига қилган мурожаати мутахассислар томонидан ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 244-“а” уйда яшовчи фуқаро И. Мавлоновнинг объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги мурожаати ҳам тегишли мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилиб, унга Қарши шаҳар қурилиш бўлимининг рухсатномаси берилди.

Гурлан тумани, Навбаҳор маҳалласининг Нурли йўл кўчаси, 90-уйда яшовчи А. Нурметовнинг уйига кириш йўли қўшнилари томонидан тўсиб қўйилгани ҳақидаги мурожаати ҳам жойига чиқиб ўрганилди. Текширув натижасида унинг уйига кириш йўлаги учун йўл очиб берилди ва қўшниларига тегишли тушунтиришлар берилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Учтепа маҳалласида яшовчи фуқаро Д. Ҳамидов Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли қарорига асосан, объектни реконструкция қилиш учун рухсат сўраб ариза билан мурожаат қилган. Тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмагани учун рад жавоби берилган. Хусусан, кадастр ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган. Туман кадастр бўлими томонидан юклаб олинган иловалар тўлиқ тақдим этилгач, бу аризага ҳам ижобиий хулоса берилган.

Наманган вилояти, Чуст тумани, “Дўстлик” МФЙда яшовчи Ш. Валиев томонидан келиб тушган мурожаатда “Мустақиллик” МФЙ ҳудудидан аукцион орқали ютиб олинган ер майдонини ўлчаб, чегараларини белгилаб берилишида амалий ёрдам сўралган. Қурилиш вазирлиги вилоят қурилиш бош бошқармасининг малакали мутахассислари фуқаро иштирокида тегишли тартибда ўрганиш олиб боргач, унга тушунтириш берилди.

– Сўнгги пайтда бизга келиб тушаётган мурожаатларнинг асосий мазмуни қўшнилар орасидаги қурилишлар бўйича келишмовчиликлар, жамоавий мурожаатлар, масалан, нотурар жойлардаги қурилишлардан норозилик мавзусида бўлмоқда, – деди Қурилиш вазирлиги Мурожатлар бўлими бошлиғи Улуғбек Раҳимов. – Шунингдек, қурилиш ва реконструкцияга рухсат сўраб кўп мурожаат қилишади. Айниқса, қурилиш ташкилотлари томонидан рейтинг тизими масаласида, қандай мезонга қанча балл берилиши, қандай қилиб баллни кўпайтириш масаласида саволлар кўп берилади. Вазирлар Маҳкамасининг 200-қарори бўйича умумий саволларга ўзимиз, аниқ бир объект бўйича қилинган мурожаатларга эса мутахассислардан жавоб олиб берилади.

Бугунги фуқаро кечагидек эмас. У нафақат бурчларини, балки ўз ҳуқуқларини ҳам яхши билади. Давлат идоралари, вазирлик ва ташкилотлар ҳам бугун ҳар бир мурожаатни ўз вақтида ва жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Булар эса юртимизда инсон манфаатлари ҳар доим эътиборда эканидан далолатдир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (648) 2022 йил 29 ноябрь

# Қоғозда эмас, амалда бажарилган

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мажлислар залида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали, “Архитектура режалаштириш бюроси” ДУК, Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази масъул ходимлари ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигида 2022 йилнинг шу даврига қадар қилинган ишлар, ўзгариш ва янгиликлар, учраётган муаммолар, уларнинг ечими борасида оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилди.

– Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги 98-сонли қарорига мувофиқ жорий йил Инвестиция дастурига киритилган 184 та объект ҳамда 2022-2026-йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган қонунларга кўра, 42 та объект ва Президентимизнинг шу йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқларга асосан 386 та объектда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилмоқда, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазири вазифасини бажарувчи Азимжон Курбанбаев.

Шунингдек, анжуманда “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан йилнинг шу даврига қадар 2 598 та лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилгани таъкидланди. Экспертизага қурилиш нархи 3 трлн 506 млрд сўмлик лойиҳа ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, экспертизадан ўтказиш натижасида лойиҳа ечимларини такомиллаштириш ва уларни норма талабларига келтириш, лойиҳаларда асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобидан қурилиш нархи ортиб кетишининг олди олинди ва 34,7 млрд сўм маблағ тежаб қолинди.

Анжуманда Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фаолияти бўйича ҳам саволлар берилди ва амалга оширилган ишлар таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 217 та ҳолатда МЖтКнинг 99-моддасининг тегишли қисмлари бўйича қурилиш иштирокчиларига жарима чоралари қўлланилган.

Қурилиш объектларида сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари қўлланилгани бўйича тегишли ташкилотларга 20 маротаба тақдимномалар киритилиб, 7 та ҳолатда қурилиш объектларида муаллифлик назоратини етарли даражада ташкил қилмаган лойиҳа ташкилотларининг лицензиялари ва рухсат берувчи ҳужжатларини тўхтатиб туриш, тугатиш ҳамда бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдимномалар киритилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

# Муаммолар мутасаддилар эътиборида

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Раҳбарлар қачонки халқ орасида юриб, уларнинг дардлари билан қизиқсагина, аҳолининг турмуш даражаси янада фаровонлашади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бу борада самарали фаолият олиб бораётган ташкилотлардан биридир.**

Яқинда вазирликка пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 2-мавзенинг 37-уйида истиқомат қилувчи фуқаролардан биридан юк кўтарувчи лифтларни алмаштириш бўйича мурожаат келиб тушган эди. Вазир ўринбосари Озода Жўраева, Халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгаши депутати Шавкат Қурбонбоев ва бошқа мутасаддилар мурожаат бўйича манзилда бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашдилар.

Аҳолининг айтишича, 1992 йилда қурилган 120 та хонадондан иборат 16 қаватли уйининг юк ташувчи лифти неча йилдирки ишламайди. Озода Жўраева уй лифтларини кўздан кечирар экан, аҳолининг умумий мулкка нисбатан эҳтиётсизлиги, бефарқлигидан ранжиганини таъкидлади. Дарҳақиқат, лифтларнинг эшиги тепиб синдирилган, тугма (кнопка)лари эса юлиб ташланган.

– Яроқсиз лифтларни алмаштириш бўйича 2023 йилнинг манзилли дастури шакллантирилиб, мазкур уйдаги лифтни янгилаш режага киритилган. Аммо фаоллар ҳаракат қилмаса, янги лифт ҳам шу ҳолатга келиши табиий. Ўз уйимизни аввало ўзимиз асрашимиз керак. Умумий мулкка зарар етказилишига йўл қўймаслигингизни сўраймиз, зеро қийналадиган фақат ўзингиз бўласиз, – деди аҳоли билан суҳбатда вазир ўринбосари.

Шу кунга қадар, мазкур кўп қаватли уйда 1 квадрат метр учун ойига 300 сўм миқдорида мажбурий бадал тўлови белгиланган. Бошқарув ташкилоти маълумотларига кўра, аксарият аҳоли ушбу тўловни вақтида амалга оширмайди. Кўп қаватли уйнинг том қисмидаги антенналардан эса бир ойда 600 минг сўм фойда тушади.

Озода Жўраева бошқарув ташкилоти ҳужжатларини ўрганганда, мазкур уйдан бир ойда жами 1 млн сўм атрофида пул келиб тушиши аниқланди. Мазкур маблағ уйнинг техник ҳолатини сақлаш, ходимлар иш ҳақи, уй атрофини ободонлаштириш, лифт ва бошқа ускуналарга кетадиган электр энергияси ёхуд бошқа таъмирлаш ишларига етмаслиги табиий. Мулкдорлар ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳис қилмай туриб, сифатли хизмат талаб қилишлари ҳам мантиққа тўғри келмайди.

Аҳолининг таъкидлашича, кўп қаватли уйдаги 60 фоиз хонадонлар ижарачиларга берилган. Бу кўп қаватли уйларни сақлашда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. “Ўз уйи бўлмагандан кейин хоҳлаган ишини қилади, лифт ва ойналарни уриб синдиришади, чиқиндиларни хоҳлаган жойларига ташлаб кетишади”, дея норозилик билдиришди аҳоли вакиллари.

Дарҳақиқат, кўп қаватли уйдаги яна бир муаммо чиқинди билан боғлиқ. Энг ачинарлиси, ушбу чиқиндилар уюми неча бор огоҳлантирилишига қарамай, мазкур уй ва унинг атрофидаги бошқа уйлар аҳолиси томонидан ҳосил қилинади.

Вазир ўринбосари мавжуд ҳолатларни бартараф этиш юзасидан аҳоли вакиллари ва масъуллар билан суҳбат ўтказиб, даставвал, аҳолида ўз уйига нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, мажбурий бадал тўловини 300 сўмдан 1000 сўмга кўтариш таклифи ҳам билдирилди. Бошқарув ташкилотига эса лифтга техник хизмат кўрсатиш ва назорат қилиш, чиқинди чиқариш қувурини тозаловчи ходимларни жалб этиш вазифаси юклатилди.

Соҳада муаммолар етарлича. Йиллар давомида тўпланиб қолган масалаларни бирданига ҳал этиш имконсизлиги барчага маълум. Аммо, аҳоли мурожаатлари вазирлик томонидан раҳбарият даражасида ўрганилмоқда ва тезкорлик билан бартараф этилмоқда. Бу ҳам бўлса, юртдошларимиз фаровонлиги доимий эътиборда эканлигининг нишонасидир.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ – АМАЛДА

# ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

**Президентимизнинг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида Тошкент вилояти ҳокимлиги Мўйноқ туманига бириктирилган.**

Вилоят делегацияси Мўйноқ туманида бўлиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Таъкидланганидек, Тошкент вилояти ва Мўйноқ тумани ҳокимликлари билан биргаликда 77 та объект бўйича жами 32 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорлари ва вилоят ҳокимининг тегишли фармойишлари асосида вилоят маҳаллий бюджетидан мазкур тадбирлар учун жами 16 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилган.

Хусусан, умумтаълим мактабларида 9 миллиард 457 миллион сўмлик маблағ ҳисобига қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, 4 миллиард 213 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиши ҳисобига “Қозоқдарё” овул фуқаролар йиғинидаги 15-умумтаълим мактаби ва “Бўзатов” овул фуқаролар йиғини Қаражар овулидаги 9-умумтаълим мактаби филиалида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Тумандаги барча мактаблар тўлиқ спорт инвентарлари билан таъминланди. Ҳозирда “Уш сай” ҳамда “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги умумтаълим мактабларининг спорт залларини қуриш ишлари давом этмоқда.

Тумандаги мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари белгиланган бўлиб, ҳозирда “Бўзатов” овул фуқаролар йиғинидаги Қипчақдарё овулидаги ва “Тик ўзак” овул фуқаролар йиғинидаги мактабгача таълим ташкилотларини жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Туман марказий тиббиёт бирлашмасига тиббиёт ускуналари етказиб бериш мақсадида 76,2 миллион сўм йўналтирилган бўлиб, тез ёрдам бўлимида қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Кам таъминланган оилалар аъзоларининг тиббий жарроҳлик амалиёти учун 85 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Туман маркази ва “Ҳоким ота” овул фуқаролар йиғинида кутубхона бунёд этилди. Тумандаги барча МТТларга сув фильтрлари ўрнатилди, кўп квартирали биноларнинг том қисмига шифер ёпилди, ҳар бир маҳаллада футбол майдонлари қурилиб фойдаланишга топширилди. “Қозоқдарё” овул фуқаролар йиғинида 4,5 километр ва “Тик ўзак” овул фуқаролар йиғинида 3 километр ички йўллар жорий таъмирланди.

Туман марказида “Ёшлар боғи” ташкил қилиниб, ҳудуд иқлимига мос, шўрга ва иссиққа чидамли манзарали кўчатлар етказиб берилмоқда.

Вилоят тадбиркорлари томонидан 2022-2023 йилларда қиймати 393,9 миллиард сўмлик 23 та лойиҳа амалга оширилиши ва 983 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда 10 дан ортиқ лойиҳа фаолиятини бошлади. Ташаббускорнинг ўз маблағи ҳисобидан 25 гектар ер майдонида деҳқончилик қилиш, шунингдек, “Агробанк” томонидан ажратилган 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ҳисобига автотранспортларга хизмат кўрсатиш ва логистика лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун ташаббускорлар томонидан “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси орқали 1058 гектар ер майдонига эга табиий кўл ажратилди. Ҳозирда 2 миллиард сўмлик кредит маблағи йўналтирилиб, зарур ускуналар билан таъминланмоқда. Яна бир интенсив усулда балиқ етиштириш учун “Тик ўзак” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски паррандачилик-балиқчилик биноси тадбиркор томонидан сотиб олинди. Мазкур лойиҳа учун “Ипотека-банк”идан 2,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, 30 гектар ҳудудда “Нетхаус” ёзги иссиқхона ташкил этиш, шунингдек, туячилик ва эчкичиликни йўлга қўйиш лойиҳалари юзасидан ишлар якунига етказилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга музлатгич, телевизор, газ плиталари берилди, шунингдек, кўплаб оилалар хонадонларига қуёш панеллари ўрнатилди.

Ташриф давомида меҳмонлар туман марказидаги хиёбон ҳудудида ташкил этилган спорт майдончалари, ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, “Қозоқдарё” овул фуқаролар йиғини биноси, ушбу ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби, спорт майдончаси, “Бўзатов” ҳамда “Тик ўзак” овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилган ишлар билан танишди. Кам таъминланган оилаларга, умумтаълим мактабларига вилоят ҳокимлиги томонидан совғалар топширилди. Спорт мусобақалари ғолиблари тақдирланиб, санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди, дея хабар қилади ЎзА мухбири Довуд Абибуллаев.

Туман аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш, бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш юзасидан топшириқларнинг ўз муддатида ижроси юзасидан фикр алмашилди.

# МИННАТДОР БЎЛИБ ЯШАШ ДАВРИ КЕЛДИ










**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрига бўлган эътибор юксалди. Айниқса, унинг турмуш шароитини яхшилаш, бунинг учун энг аввало, маҳаллалар инфратузилмасини шакллантириш чоралари кўрила бошланди. Бу борадаги муаммоларни ўз вақтида ўрганиш ва уларнинг ижобий ечимини таъминлаш орқали масалага жиддий ёндашилгани ҳамюртларимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.**

Ҳукуматимиз кўрсатмасига асосан ташкил этилган ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолияти ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилган бўлиб, улар томонидан республикамиздаги 9 минг 370 та маҳаллаларда ўрганиш ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида ҳамюртларимиз турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти, спорт, маданият, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ энг муҳим масалаларга алоқадор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шу йилнинг октябрь ойида давлатимиз раҳбарининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу лойиҳалар ижобатини таъминлаш учун асосий дастур вазифасини ўтайди. Ушбу қарор барча ҳамюртларимиз қатори андижонликларнинг ҳам руҳиятини кўтарди. Сабаби, ҳудудда ҳукм суриб келаётган инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш учун 581,1 млрд сўм маблағ ажратилган бўлиб, амалга ошириладиган лойиҳалар туфайли 473 та маҳаллада ҳамюртларимизнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашга эришилади.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда маҳаллаларда электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммолар кўплаб юзага кела бошлади. Бу ўрганиш давомида яна бир бор ўз исботини топди. Жумладан, вилоятдаги 272 та объектда сув тармоқларини янгилаш, 173 та манзилда ички йўллар ҳолатини яхшилаш шулар жумласидандир.

Олтинкўл туманида ҳам аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яхшилашга қаратилган хайрли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, “Сарой” МФЙда ички йўлни асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда.

– Маҳалламиз кўчалари охирги марта 1968 йилда асфальтланган эди, – дея хотирлайди меҳнат фахрийси Равшанбек Олимов. – Ортда қолган йиллар давомида йўллар абгор ҳолатга келиб қолди. Айниқса, ёғин-сочинли кунларда юриш жуда қийин эди. Ҳукуматимизга раҳмат, мана, ички кўчаларга эътибор қаратадиган пайтлар ҳам келибди. Ҳозирда маҳалланинг 5 километрдан иборат ички кўчасига асфальт ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун 3 млрд сўм маблағ ажратилди.

Манзилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан ажратилган маблағни тўғри йўналтириш ва бунёдкорлик ишларининг сифатли бажарилиши назорат қилинмоқда.

– Авваллари бу каби ишлар нари борса туман марказида амалга оширилгани боис кўчаларимизда ободонлаштириш ишлари ташкил этилишини кутмагандик, – деди Шаҳрихон туманидаги “Қайрағоч гузар” МФЙда истиқомат қилувчи Нурияхон Сайрамова. – Ишчи гуруҳи ҳар биримизнинг хонадонимизда бўлиб, муаммоларимизни ўрганди. Шунда тоза ичимлик суви билан боғлиқ ечимини кутиб турган масалалар ҳақида фикр билдирдик. Айни пайтда ҳудудимизда 1 та сув қудуғини қуриш ва 3 километр масофага янги сув қувурини тортиш орқали истеъмолчиларнинг “оби ҳаёт”га бўлган эҳтиёжи қондириладиган бўлди. Жамоатчилик гуруҳи эса қурилиш ишлари сифатини назорат қилиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, биз ислоҳотлар кузатувчиси эмас, балки, унинг иштирокчисига ҳам айландик.

Дарҳақиқат, Шаҳрихон туманида бу каби долзарб вазифалар ижросини таъминлаш учун 71 млрд 348 млн сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, унинг натижасида 44 та маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланади.

– Туманимизда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир хонадонда хатлов ишлари олиб борилди, – деди Марҳамат тумани ҳокимининг ўринбосари Дилхушбек Исмоилов. – Бу манзилларда ҳамюртларимизнинг фаровон яшашларига тўсқинлик қилаётган сабабларни ўз кўзимиз билан кўриб, амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб олишимизга имкон берди. Давлатимиз раҳбарининг юрт ободлиги ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадига йўналтирилган қарорининг эълон қилиниши мавзуга доир амалий ҳаракатлар ижобатини таъминлайди. Зеро, қарорга биноан туманимизга 45 млрд 200 млн сўм маблағ ажратилди. Бу ҳудудимиздаги 32 та маҳаллада мавжуд бўлган муаммолар ечимини таъминлашимизга асос бўлади.

Вилоятдаги энг катта муаммолардан бири электр энергияси таъминоти билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат кузқиш мавсумида янада яққол намоён бўлмоқда. Таъминотдаги узилишлар барҳам топиб, хизмат кўрсатиш сифати қачон ортади?

– Бу борадаги амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди, – дея изоҳ беради “Андижон ҲЭТК” АЖ ходими Мухлисахон Собирова. – Қарор ижросини таъминлаш доирасида вилоятдаги 30 та маҳаллада 37 километр электр узатиш тармоғини тортиш ва 21 та трансформатор пунктларини ўрнатиш ишлари белгиланган. Шу кунгача 7 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 132 та темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, бу борадаги жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Мамлакатимизда замондошларимизнинг эртанги кундан умидвор бўлиб эмас, балки бугунги кунидан миннатдор бўлиб яшашлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарори ижросини таъминлаш доирасидаги хайрли ишлар бунга мисолдир.

# УЧ ҲУДУДНИ БИРЛАШТИРГАН МАРКАЗ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



**Биласизми, мамлакатимизда 113 000 нафар бемор онкологик касалликлар билан рўйхатга олинган. Кичик рақам эмас, албатта. Бу сон энг аҳамиятли ижтимоий масалалардан ҳисобланадиган соғлиқни сақлаш тизимида тубислоҳотлар ва стратегик янгиланишларни талаб этади. Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани Шифокорлар кўчасидаги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги комплекси шу мақсадларнинг намунаси бўлмоқда.**

Эндиликда марказ ҳамда унинг пойтахт ва Тошкент вилоятидаги филиаллари ягона уникал комплексга бирлашади. Янги комплекс таркибига Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, марказнинг пойтахт филиали ҳамда Тошкент вилояти филиали киради. Ҳозирда шифохоналарнинг мавжуд бино-иншоотлари ҳудуди янги комплексни қуриш харажатларини қоплаш учун "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали электрон-онлайн аукционга қўйилган.

## ТИББИЁТ СОҲАСИДА ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Бунунги кунда онкологик касалликлар билан оғриган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 370 нафар беморга мўлжалланган ўринлар мавжуд бўлиб, шифохонада 844 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Марказнинг Тошкент шаҳар филиали 350 бемор ўрни, 508 нафар ходимга эга. Шунингдек, Тошкент вилояти филиалининг 240 ўринга мўлжалланган шифохонасида 432 нафар мутахассислар касб фаолиятларини юритишмоқда.

– Янги Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси катта инқилобий ўзгаришлар палласида дейиш мумкин, – деди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов. – Жаҳон тиббиёти шу даражада ривожланяптики, келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш, унинг профилактикаси предиктив тиббиётга ўтди. Предиктив тиббиёт инсон организмида яқин йигирма йиллик даврда вужудга келадиган онкомаркерларни олдиндан аниқлаб беришга ихтисослашган тиббиёт туридир. Албатта, халқаро тиббиёт ҳозирда шу даражада ривожланган экан, биз ҳам бу жараёндан ортда қолмаслигимиз керак. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология марказининг барпо этилиши Ўзбекистон тиббиётининг тарихи учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур типдаги бино-комплекси нафақат Тошкент шаҳрида, қолаверса, яқин икки-уч йил ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилади. Бу бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аниқ белгилаб олган стратегияси мавжуд. Ўзбекистонда Учинчи Ренессанснинг пойдеворини қуриш бўйича бевосита юртбошимиз ташаббус кўрсатмоқдаки, демак, тиббиётимиз ҳам рақобатбардош, замонавий клиникалар билан бойиши керак.

Ҳозирда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази 1968 йилда барпо этилган эски биноларда фаолият олиб бормоқда. Шу кунга қадар бирор марта капитал таъмирлаш ишлари бажарилмаган. 2019 йилда унинг олд қисмида янги поликлиника биноси қуриб битказилган. Марказнинг Тошкент шаҳар филиали 1961 йилда барпо этилган бўлиб, 2012 йилда давлат дастурлари асосида капитал таъмирдан чиқарилган. Худди шундай марказнинг Тошкент вилояти филиали 1926 йилда барпо этилган бўлиб, 2008-2009 йиллар оралиғида капитал таъмирланган. 2017 йилда эса марказ ҳудудида янги бўлим биноси қуриб фойдаланишга топширилган.

## ЯНГИ КОМПЛЕКС ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Президентимизнинг "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги каби бир қатор муассасаларга Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида замонавий бино-иншоот комплекси қуриш ва жиҳозлаш вазифаси топширилган эди. Бундан мақсад, 1 500 беморга мўлжалланган Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси, шунингдек, академиянинг ўқув биноси уйғунлигида янги тиббиёт кластерини ташкил этиш мақсад этиб олинган. Қарорга кўра, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт комплекси фойдаланишга топширилгач, марказнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят филиаллари қўшилиши билан қайта ташкил этилади. Бу ишларнинг ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокими раҳбарлигида махсус комиссия ташкил этилган.

– Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман, айта оламанки, энг катта ва йирик шифо масканлари шу йўсинда бунёд этилади, – деди Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайхов – Бу марказнинг қурилиши бевосита давлат раҳбари бошчилигида амалга оширилган. Албатта, эски тиббиёт марказининг бино-иншоотлари талабга жавоб бермасди. Кейинчалик, Тошкент тиббиёт академияси яқинида янги онкология ва радиология шифохонасининг қурилишига киришилди. Қурилиши давом этаётган марказ биноси саккиз қаватдан иборат бўлиб, унинг дастлабки уч қавати беш ярим метрдан бўлади. Ушбу тиббиёт муассасаси нафақат Ўрта Осиё, балки дунё миқёсида рақобатбардош шифохонага айланади. 16 та операция ва 45 та реанимация бўлимлари яхлит бир комплексда бирлаштирилади. Бинонинг ертўла қисмида радиология бўлими, бункерлар жойлаштирилади. Айтиш керакки, 2016 йилга қадар республикамизда нур билан даволайдиган 5 дона махсус ускуна мавжуд эди. Ҳозирги кунда бу турдаги тиббий ускуна 27 донани ташкил этиб, мамлакатимизнинг барча вилоятларида беморларга хизмат кўрсатмоқда.

2015 йилга қадар марказнинг барча ҳудудий филиалларида тўлиқ реконструкция ишлари тугатилган. Хусусан, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг онкология марказлари янгидан барпо этилган. Биринчи даражали ижтимоий масала касаллик бўлгани учун ҳам, сўнгги йилларда президентимизнинг бевосита ташрифлари билан тиббиёт соҳа олдида турган аниқ камчилик ва муаммоларнинг ечими юзасидан вазифалар белгиланди. Қайд этиш лозимки, охирги беш йил ичида соҳага оид тўртта қарор, ҳукуматнинг эса учта қарори тасдиқланиб, ижроси таъминланиб келмоқда.

## ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Шу кунга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиаллари 24 миллион АҚШ доллари қийматидаги зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада онкологик касалликларни эрта аниқлаш даражаси 2015 йилдаги 38 фоиздан 48 фоизга кўтарилди. Беморларга керакли махсус дори воситаларинниг давлат томонидан бепул тарқатилиши, онкология диспансерларининг замонавий нур терапия жиҳозлари билан таъминланиши натижасида даволаниш самараси 35 фоиздан 80 фоизга кўтарилди. Таъкидлаш жоизки, янги қурилаётган тиббиёт маркази мутлақо янгича стериотаксис радиожарроҳлик йўли билан даволаш бўлими ташкил этилади. Шунингдек, чизиқли тезлатгич орқали нур терапияси бўлими, диагностика ва даволаш, ядро тиббиёти, юқори кимё ва иммунотерапия ва 10 дан ортиқ кўп функцияли замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлимлар ташкил этилади.

– Ҳозирги кунда Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоятлардаги филиалларини модернизация қиляпмиз, – деди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов. – Шу билан бирга, ҳудудий филиалларда хизмат кўрсатиш сифатини кучайтириб, моддий-техник базасини янгилаяпмиз. Мисол учун, мамлакатимизда рўйхатга олинган онкологик касалликларга чалинган беморларнинг 7 минг нафари Хоразм вилоятига тўғри келяпти. Тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиалида 2019 йилда 2 400 нафар бемор расмий ордер билан Тошкент шаҳрида жойлашган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ёткизилган. 2020 йилда бу рақам 1 500 нафарга тушган бўлиб, 2021 йилда эса 740 нафарни ташкил этган. Жорий 2022 йилнинг дастлабки ўн ойлигида 171 нафар бемор Хоразм вилоятидан даволаниш мақсадида республикага мурожаат этган. Кўриниб турибдики, ҳудудий филиалларни модернизация қилиш ўша ҳудуд аҳолисининг касаллик ҳолатлари эрта аниқланиб, олдини олиш ва ҳудуднинг ўзида даволаш имконини беряпти.

Республика, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти онкология ва радиология тиббиёт марказларининг бирлаштирилиши натижасида қурилаётган янги тиббиёт комплексининг қуввати 650 доимий ва 100 та кундузги стационар ўринга мўлжалланган бўлиб, объект 2023 йилнинг 1-чорак сўнггида фойдаланишга топширилади. Назарий жиҳатдан уч ҳудудни бирлаштирган тиббиёт маркази умумий сиғимдан 100 ўринга қисқартирилган. Бу жараён Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режали стратегияси бўлиб, ушбу ҳолатда тиббиёт маркази тизимидаги ҳудудий филиалларининг ривожлантиришга эътибор қаратилади.

## ТИББИЁТ КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Биламизки, ҳар қандай онкологик касаллик билан шифохонага мурожаат этган беморга комплекс ёндашув талаб этилиб, бир нечта тиббий мутахассисларнинг консультацияси зарур бўлади. Шу мақсадда кўп ҳолларда тиббиёт муассасалари яхлит бир ҳудудда ташкил этилади. Бундай тизим беморларни ортиқча сансоларлик ва оворагарчиликдан фориғ этиб, марказлашган шифо маскани ҳудудида керакли тиббий хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Республика, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти онкология марказлари кесимида ташкил этиладиган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази келажакда йирик тиббиёт кластерига айланади.

Турли тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган 5 та онкология кафедраси бирлашиб, ягона методик марказга айланади. Илк бор ядро тиббиёти кафедраси ташкил этилади. Комплексда 9 та бункердан иборат радиотерапия арсенали ишга туширилади. Натижада бирида тўхталишлар юз берган тақдирда ҳам бошқалари унинг ўрнини тўлдириши натижасида даво муолажаси узлуксизлиги таъминланади. Муассаса ишга тушгунга қадар 100 нафардан мутахассис хорижда малака оширади. Ҳозирда бўлажак тиббиёт кластери комплексини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида 80 миллион АҚШ доллари ажратилган.



# Янги туман қиёфаси ўзига хос бўлади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманида республика ҳукуматининг жорий йил 3 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2022-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури доирасида, умумий қиймати 1 триллион 87,1 миллиард сўмлик, 190 та лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда.**

Дастур параметрига кўра, туманда рўёбга чиқариладиган лойиҳалардан 34 таси саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини тараққий эттиришга, 76 таси муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантиришга, қолган 80 таси эса ижтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган. Уларни молиялаштириш учун турли манбалар, хусусан, республика бюджети (дастурга ажратилган маблағ умумий ҳажмининг 27,2 фоизи) ва маҳаллий бюджет (5,4 фоиз), ташаббускорларнинг ўз маблағлари (31,5 фоиз), тижорат банкларининг кредитлари (15,2 фоиз), халқаро молия институтлари маблағлари (13,6 фоиз), хорижий инвестициялар (6,8 фоиз) ва мақсадли жамғармалар (0,3 фоиз) маблағларидан фойдаланиш режалаштирилган.

Амалга ошириладиган муҳим лойиҳалардан йўл таъмирлаш соҳаси бўлиб, йўллар инфратузилмасини яхшилашга 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилмоқда. Бу пулнинг бир қисми, аниқроғи, 34,6 миллиард сўми маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни таъмирлашга сарфланади. Хусусан, шу йилнинг охиригача Ғузор-Самарқанд йўлининг 83-85 километрлари оралиғидаги қисмини жорий таъмирлаб, маҳаллий йўл қуриш режа қилинган бўлса, келгуси йилда Яккабоғ-Чироқчи-Кўкдала-Шўрбозор йўлининг туман ҳудудидан ўтадиган 11 километрлик, Пўлати-Айритом йўлининг 10 километрлик, Кўкдала-Сойбўйи йўлининг 17 километрлик қисмларини қайта қуриш, мукаммал ва жорий таъмирлаш мўлжалланмоқда.

Пўлати-Айритом автомобиль йўлининг яна 20 километрлик ва Қозоқ-Нонхўр-Чиял бозори йўлининг 2 километрини таъмирлаш ва тиклашга эса навбат 2024 йилда келади. Шу билан бирга 2022-2024 йилларда туманнинг маъмурий марказида 5 километр узунликдаги янги ички йўллар қурилади ва 10 та маҳалланинг ички йўллари таъмирдан чиқарилади. Шу билан бирга электр, газ, ичимлик суви, оқова сув иншооти ва тармоғини қуришга ҳам етарлича маблағ йўналтирилади. Қишлоқ хўжалиги ривожидаги муҳим тармоқ бўлган, ирригация ва мелиорация тизимини яхшилашга 12 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Маълумки, Еттитом шаҳарчаси туманнинг маъмурий маркази бўлиб, унда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳукумат қарори билан тасдиқланган дастурга биноан эса марказни ободонлаштириш, маъмурий бинолар ва хизмат уйлари қуриш, шунингдек, кўп қаватли уй-жойларни қуриш ва таъмирлашга 250 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Хусусан, 20 та арзонлаштирилган кўп қаватли уй-жойлар қурилишига 84 миллиард сўм, бошқарув органлари учун маъмурий бино барпо этишга эса 80 миллиард сўм сарф этилади. Шаҳарчанинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштиришга 10 миллиард сўм йўналтирилиб, прокуратура, давлат солиқ инспецияси, ички ишлар бўлими ва яна бир қатор идоралар учун бинолар қурилади.

Шунингдек, ташаббускорлар ва ҳомийлик маблағларидан иккита масжид қуришга 30 миллиард сўм ва еттита қабристонни таъмирлашга 870 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳа объектларидан, айниқса, давлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳамиятлиси, барпо қилинадиган боғчаларнинг 9 таси республика бюджети ҳисобидан қурилса, яна 14 таси ҳомийлик ва ташаббускорлар маблағлари эвазига бунёд этилмоқда. Шу тариқа жорий йилнинг ўзида Кўкдаланинг турли маҳаллаларида давлат мактабгача таълим муассасалари сони 14 тага, улардаги болалар қамрови эса 1 минг 830 та ўринга кўпайиши кутилмоқда.

2024 йилнинг охирига бориб ушбу рақамлар тегишли тартибда яна 9 ва 1 минг 080 тага ошади, яъни дастур доирасида туманда умумий қуввати 2 минг 910 ўриндан иборат 23 та янги давлат МТТ очилиб, фаолият бошлайди. Бунга юқорида кўрсатиб ўтилган манбалардан 144,5 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланиб, яна 3 та янги умумтаълим мактабини қуриш, 15 тасини реконструкция қилиш ва 1 тасини мукаммал таъмирлаш режалаштирилган . Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона, иккита кўп тармоқли поликлиника ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматлари биноларини бунёд этиш, Чиял қишлоғидаги туғруқ комплексини қайта қуришга 21,5 миллиард сўм ажратилмоқда.

Дастур доирасида, 400 ўринли маданият саройи, IT-парк, давлат хизматлари маркази, кўплаб маҳаллаларнинг маъмурий бинолари ҳам қад ростлайди. Туристик инфратузилмани ривожлантиришга 4 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилиб, Қоратепа ва Ҳазарбуқатепа археологик ёдгорликларида ўрганиш ишлари олиб борилади, сайёҳлар учун 3 та ахборот маркази ташкил этилиб, бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилади. Албатта бу каби лойиҳаларнинг барчаси келгусида янги туман аҳолиси турмуш даражаси янада ошишига хизмат қилади.

# Муқобил энергия манбалари: ҚУЛАЙ, АРЗОН ВА БЕМИННАТ



**Бугунги кунда дунё миқёсида энергия тежамкорлигига эришиш, қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда тегишли давлат дастурлари асосида иш олиб борилмоқда. Жорий йил 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида, биринчи навбатда, бошқарув идоралари, корхона ва ташкилотлар биноларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш топшириғи берилган эди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида корхона ва ташкилотлар, бино ва иншоотларни узлуксиз энергия билан таъминлаш учун биноларга қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Биринчи навбатда вилоятдаги корхона, ташкилотларнинг маъмурий ва ёрдамчи биноларига 600 та кичик қуёш фотоэлектр станциялари ўрнатилиши белгиланган. Уларнинг 360 таси қуёш панеллари, 240 таси эса қуёш сув иситиш қурилмалари ҳисобига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлиги биноси том қисмида умумий қуввати 150 кВт бўлган 334 дона монокристалли қуёш панели ва 4 та инвертор ўрнатилди. Мазкур станция йилига 341 минг кВт электр энергия ишлаб чиқаради ҳамда атмосферага 1,1 тонна зарарли чиқиндилар чиқишининг олдини олади. Шунингдек, бошқа муассасалар, маҳаллаларда ҳам қуёш панелларидан фойдаланиб, электр энергияси олиш бошланди. Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида босқичма-босқич муқобил энергия ускуналари ўрнатилмоқда. Соғлиқни сақлаш бошқармасида соатига 10 киловатт энергия ишлаб чиқарувчи қуёш панеллари ўрнатилиши натижасида бинони муқобил электр энергияси билан тўлиқ ёритиш таъминланди.

Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида соатига 5 киловатт энергия етказиб беришга мўлжалланган 12 дона қуёш панели ўрнатилиши шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда узлуксиз электр энергияси етказиб бериш имконини кенгайтирди. Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси том қисмида ўрнатилган 24 та қуёш панели ҳам муассасада энергия барқарорлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

– Ушбу станцияни қуриш учун 120 миллион сўм маблағ сарфланди, – деди Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Мурод Эшбеков ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасановга. – Бу бир йиллик энергия учун сарф-харажатни 25 миллион сўмга иқтисод қилиш имконини берар экан. Муҳими, энергия таъминотида узилиш бўлмайди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб, марказий шифохонамизда ўрнатиш учун яна 140 миллион сўмлик қуёш панеллари харид қилмоқчимиз. Бундан ташқари, оилавий шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт масканларида ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш чораларини кўряпмиз. Шу пайтгача вилоятдаги 27 та тиббий муассасада муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Яна 20 та муассасада бу борадаги ишлар давом этмоқда.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (648) 2022 йил 29 ноябрь

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “LOMBARD RELIABLE-CREDIT” МЧЖнинг 2022 йил 28 ноябрдаги 50-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 24 январь ва 6 октябрдаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 16-уй, 14-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 637 | Браслет с бел. и син. кам с бирк.; браслет с бел. желт. син. фиолет. кам. с бирк.; кольцо с бел. кам. Общим весом 10,12 гр. | 4 023 759,51 |
| 2. | 667 | Цепь с биркой погнс. деф.; кольцо с бел. кам. погн. с деф. Общим весом 9,10 гр. | 3 950 272,92 |
| 3. | 778 | Серьги с бел. кам. ушки шат; кольцо с бел. кам. погн.; браслет; кольцо. Общим весом 19,33 гр. | 7 325 517,18 |
| 4. | 809 | Цепь. Общим весом 3,59 гр. | 1 602 022,92 |
| 5. | 878 | Цепь дефор.; браслет дефор. Общим весом 16,13 гр. | 6 147 022,92 |
| 6. | 1049 | Кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет, погн.; серьги с бел. кам., ушки деформ. Общим весом 3,31 гр. | 1 419 000,82 |
| 7. | 1050 | Кольцо с бел. кам. (погн.); кольцо с бел. кам.; серьги с бел. кам. (ушки шат.). Общим весом 9,97 гр. | 4 616 872,92 |
| 8. | 1166 | Кольцо погн. паян.; кольцо с бел. кам. 1 кам. скол. погн.; кольцо деформ.; серьги с бел. кам. ушки шат. замок деформ. Общим весом 9,25 гр. | 3 874 522,92 |
| 9. | 1456 | Колье с бел. кам. погн. с деф.; браслет с бел. кам. погн. с деф.; кольцо с бел. кам. и желт. кам. погн. с деф.; серьги с бел. кам. и желт. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам. с фиол. кам. с деф. Общим весом 35,57 гр. | 16 297 522,92 |
| 10. | 1698 | Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 3,72 гр. | 1 783 822,92 |
| 11. | 1731 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; серьги с бел. кам. Общим весом 11,69 гр. | 4 467 998,92 |
| 12. | 1769 | Цепь погн. Общим весом 6,49 гр. | 2 864 017,92 |
| 13. | 1791 | Кольцо погн. паян.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,46 гр. | 1 489 306,92 |
| 14. | 1795 | Браслет погн. Общим весом 3,00 гр. | 1 347 905,91 |
| 15. | 1809 | Серьги погн. с деф. с бел. кам.; кольцо с бел. кам. деформ. Общим весом 9,13 гр. | 4 177 522,92 |
| 16. | 1958 | Цепь погн.; кольцо; кольцо с крас. кам. Общим весом 17,12 гр. | 7 414 336,20 |
| 17. | 2006 | Браслет погн. Общим весом 6,83 гр. | 3 192 772,92 |
| 18. | 2057 | Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 4,00 гр. | 1 905 022,92 |
| 19. | 2058 | Серьги с бел. и черн. кам. погн.; серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. и черн. кам. Общим весом 8,88 гр. | 3 854 630,16 |
| 20. | 2070 | Серьги с бел. кам.; кольцо браслет с бел. кам. погн. Общим весом 15,38 гр. | 6 219 742,92 |
| 21. | 2188 | Кольцо с деф.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. дефор.; серьги с бел. кам. ушки шат. Общим весом 12,15 гр. | 5 616 772,92 |
| 22. | 2219 | Кольцо с бел. кам. Общим весом 3,04 гр. | 1 450 522,92 |
| 23. | 2242 | Кольцо с бел. кам.; серьги с бел. кам. с деф. Общим весом 4,81 гр. | 2 283 772,92 |
| 24. | 2244 | Цепь с деф. Общим весом 15,51 гр. | 6 275 494,92 |
| 25. | 2338 | Серьги с бел. кам. с мет. накл. погн. Общим весом 4,88 гр. | 2 132 455,33 |
| 26. | 2379 | Кольцо с бел. кам. паян. с деф.; кольцо с бел. кам. дефор. Общим весом 2,22 гр. | 965 187,01 |
| 27. | 2632 | Цепь паян.; цепь. Общим весом 14,44 гр. | 5 690 947,32 |
| 28. | 2638 | Кольцо с зел. кам. Общим весом 1,52 гр. | 439 167,90 |
| 29. | 2699 | Цепь; кулон с бел. кам.; браслет погн. Общим весом 8,63 гр. | 4 010 872,92 |
| 30. | 2711 | Кольцо погн.; кольцо с бел. кам. погн.; серьги; серьги с бел. кам. Общим весом 10,13 гр. | 4 647 172,92 |
| 31. | 2759 | Серьги дефор. Общим весом 5,34 гр. | 2 511 022,92 |
| 32. | 2785 | Цепь погн.; серьги с роз. кам. погн. Общим весом 8,39 гр. | 3 904 822,92 |
| 33. | 2802 | Кольцо с бел. кам. погн. паян.; серьги погн. ушки шат. Общим весом 5,54 гр. | 2 300 134,92 |
| 34. | 2833 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с зел. кам. с деф. Общим весом 2,83 гр. | 1 270 320,34 |
| 35. | 2879 | Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 2,45 гр. | 1 147 522,92 |
| 36. | 3031 | Кольцо с бел. и син. кам. Общим весом 4,46 гр. | 1 823 732,87 |
| 37. | 3053 | Цепь. Общим весом 39,74 гр. | 18 145 822,92 |
| 38. | 3088 | Браслет с биркой с бел. кам. с деф.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам., 2 кам. нет погн.; серьги с фиолет. и бел. кам. погн. Общим весом 17,84 гр. | 7 631 924,57 |
| 39. | 3090 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо; кулон с бел. кам. с деф.; цепь. Общим весом 12,72 гр. | 4 382 336,98 |
| 40. | 64 | Браслет с красн. кам. и бел. кам. погн. Общим весом 19,87 гр. | 8 583 285,01 |
